Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 66 (9302). ● 1988 йил 5 апрель ● сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

ҒОЛИБЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасининг якунлари тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар, шаҳар ва қишлоқ районлари, бирлашмаларнинг, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари ўртасида ўтказилган республика социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқиб, шуни қайд этадиларки, республика меҳнаткашлари партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига нишонланган йилда хўжалик айрим тармоқларининг янада ўсишини таъминладилар.

Саноатда ёқилғи-энергетика ва металлургия комплекслари барқарор ишлади. Машинасозлик маҳсулотини янгилаш жадаллашди. Агросаноат комплексида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Социал муаммоларни ҳал этишга кўпроқ эътибор берилди.

Корхоналар мустақиллигини янада кенгайтириш, бошқаришни ва хўжалик юритиш иқтисодий механизмини такомиллаштириш, коллектив ва оила пудратини, меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг бошқа илғор формаларини жорий этиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш борасида рўёбга чиқарилаётган чоратадбирлар, шунингдек юксак пировард натижаларга эришиш, ходимларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлигини ўстириш, уларга маиший, медицина ва савдо хизматини яхшилаш учун социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ташкилотчилик ишлари планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишга кўмаклашди.

Айни вақтда Қорақалпоғистон АССРда, областларда, республика шаҳарлари ва районларида, шунингдек кўпгина тармоқларда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўлинмади, ишлаб чиқаришни муқим ва барқарор ўстириш таъминланмади. Фан ва техника ютуқлари халқ хўжалигига суст суръатлар билан жорий этиб борилди. Шартномалар юзасидан мажбуриятларни бажармаган корхоналар сони ҳамон кўп, машинасозлик, енгил саноат корхоналарининг айниқса, маҳсулот сифатини ошириш борасидаги ишида тубдан яхшиланиш содир бўлмади. Аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилгани йўқ. Кўпгина колхоз ва совхозлар вужудга келтирилган потенциалдан самарали фойдаланмадилар. Пахта, картошка, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узум тайёрлаш плани бажарилмади. Капитал қурилишда, транспорт ишида катта камчиликларга йўл қўйилди.

Меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар сусайтирилган юборилганлиги, топширилган иш учун раҳбарлар билан мутахассисларнинг масъулияти пасайганлиги, меҳнат ва технология интизоми бўшаштирилганлиги, меҳнаткашлар тўғрисида тегишлича ғамхўрлик қилинмаётганлиги сабабли ишлаб чиқариш планлари бажарилмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қарор қилдилар:

1987 йилги республика социалистик мусобақасининг шартлари чала бажарилганлиги муносабати билан областлар, шаҳарларга, шаҳар ва қишлоқ районларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма қизил байроқлари берилмасин.

Қуйидаги коллективлар иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақаси якунларига кўра ғолиб деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма қизил байроқлари билан мукофотлансин ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика Ҳурмат тахтасига ёзилиб, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирлансинлар:

СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлигининг Тошкентдаги «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси;

СССР Темир йўллар министрлиги метрополитенлар бош бошқармасининг В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени;

Ўзбекистон Геология-разведка ишлари давлат «Ўзбекгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ўзбекгеофизика» Ўзбекистон геофизика ишлари геология ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Ангрен шаҳридаги 1-тез медицина ёрдами шаҳар касалхонаси;

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг лойиҳа-конструкторлик технология бюроси;

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Тошкент телеграф-телефон станцияси;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг республика «Ўзстройиндустрия» саноат бирлашмасига қарашли Тошкентдаги 1-тажриба-экспериментал механика заводи;

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Главташпасавтотранс» бошқармасига қарашли Тошкентдаги 7-таксомотор парки;

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший-хизмат кўрсатиш министрлигининг республика «Ўзбытрадиотехника» саноат бирлашмасига қарашли Наманган область «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг 36-ўрта ҳунар-техника билим юрти;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ўзсантехгазмонтаж» трести;

«Главташкентстрой»нинг ихтисослаштирилган «Ташинжстрой» трести;

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР бадиий фондининг Тошкентдаги «Рассом» бадиий комбинати;

Агросаноат комплексида:

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг «Ташкентводстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси;

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент область, Калинин районидаги «Иваново» совхози;

Қуйидаги коллективлар иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақаси якунларига кўра ғолиб деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма қизил байроқлари билан мукофотланган ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика Ҳурмат тахтасига ёзилиб, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланганлардан Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозидан Галина Криволапова, Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозидан Зумрат Омонлиқова, Қиммат Исоқова, Баҳри Ниёзматова, Розия Соқиева, Аширби Хошимова, Калинин районидаги Иваново номли совхозидан Мафура Харанова, Саломат Пернаева, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» тажриба хўжалигидан Эмние Сулюнова, Раҳима Жайловова, Тоҳра Қўшбоева, Мушар Абророва, Қутби Бўтақўзиева, Мансура Бегматова, Мақсуда Муротовалар;

Ҳар сигирдан 3000—3500 килограммдан сут соғган ва III даражали фахрий диплом ҳамда кўкракка тақиладиган «Сут соғиш устаси» нишони билан тақдирланганлардан Оҳунбобоев номли колхозидан Мавлуда Йўлдошева, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозидан Антонина Репина, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Қуйсула Сотқулова, Турғуной Сариқбоева, Бекобод районидаги «Далварзин» совхозидан Раъно Холиқова, Баҳром Жабборов, Фотима Шамсулина, Калинин районидаги «Хасково» совхозидан Танса Сливкина, Факия Фахриева, Замира Эржонова, Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозидан Қандимой Иброҳимова, Одина Олиҳонова, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан Доминика Саврасовалар бор.

Ҳар бош соғин сигирдан 4 минг килограмм ва ундан кўп сут соғиб олган ва фахрий диплом ҳамда кўкракка тақиладиган «Сут соғиш устаси» нишони билан тақдирланган сут соғувчилардан Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан Гулфура Матнгулина, Флюра Ғаязова, Венера Хайбулина, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан Насиба Ҳамидова, Чиноз районидаги «Чиноз» совхозидан Надежда Дворченко, Насиба Йўлдошбоева, Оржоникидзе районидаги «СоюзНИХИ»нинг марказий тажриба базасидан Покиза Ойқулова, Зулайҳо Қиличбоева, шу райондаги Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтининг тажриба хўжалигидан Осиё Ғаннева, Фароғат Шагабуддинова.

Ҳар сигирдан 3500—4000 килограммдан сут соғган ва II даражали диплом ҳамда кўкракка тақиладиган «Сут соғиш устаси» нишони билан тақдирланганлардан Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозидан Галина Криволапова, Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозидан Зумрат Омонлиқова, Қиммат Исоқова, Баҳри Ниёзматова, Розия Соқиева, Аширби Хошимова, Калинин районидаги Иваново номли совхозидан Мафура Харанова, Саломат Пернаева, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» тажриба хўжалигидан Эмние Сулюнова, Раҳима Жайловова, Тоҳра Қўшбоева, Мушар Абророва, Қутби Бўтақўзиева, Мансура Бегматова, Мақсуда Муротовалар;

Ҳар сигирдан 3000—3500 килограммдан сут соғган ва III даражали фахрий диплом ҳамда кўкракка тақиладиган «Сут соғиш устаси» нишони билан тақдирланганлар орасида Паркент районидаги «Коммуна» совхозидан Карима Тўхтаева, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозидан Мавлуда Йўлдошева, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозидан Антонина Репина, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Қуйсула Сотқулова, Турғуной Сариқбоева, Бекобод районидаги «Далварзин» совхозидан Раъно Холиқова, Баҳром Жабборов, Фотима Шамсулина, Калинин районидаги «Хасково» совхозидан Танса Сливкина, Факия Фахриева, Замира Эржонова, Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозидан Қандимой Иброҳимова, Одина Олиҳонова, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан Доминика Саврасовалар бор.

16 апрель— Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги

ОММАВИЙ ЎТАДИ

«Умумхалқ ҳашари куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришамиз» — Пискентдаги 15-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннада коммунистик шанбаликка бағишлаб уюштирилган тантанали митинг шу шиор остида ўтди. Унда сўзга чиққан Т. Шомуродов, Р. Тошматов, Х. Бегматовлар барча касбдошларини шу куни фидокорона меҳнат қилишга чақирдилар. Ўзлари эса нормани камида бир ярим баравардан бажаришга аҳд қилдилар.

Колоннада шанбаликка ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Унда барча бинокорлар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар — қарийб 300 кишининг қатнашиши таъминланади. 170 киши бевосита қурилиш-монтаж ишларини олиб боради. Уларнинг қуҳи билан 5100 сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Айни вақтда объектлар майдонларини тозалаш, ирригация шахобчаларини тартибга келтириш, майдонлар ва кўчаларни ободонлаштириш, темир-терсак йиғиш бўйича ҳам катта юмушлар қилиниши назарда тутилмоқда. Шу куни ишлаб топилган иш ҳақининг 700 сўми Тинчлик фондига берилади.

М. УСМОНОВ.

●

5 МИНГ ТОННА ЮК ТАШИЛАДИ

82-автокорхона транспортчилари Пискент районидаги меҳнат коллективлари ўртасида биринчилар қаторида Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини ўтказиш бўйича бошланган ташаббусга қўшилдилар. Корхонада умумҳалқ ҳашарига тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Ташкил этилган штаб аъзолари ишлаб чиқариш участкаларида бўлиб, шанбаликка ҳозирлик ишларининг боришини назорат қилмоқдалар, лозим бўлса амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Дастлабки ҳисобларга қараганда ишчи корхонасидаги байрамда 200 нафарга яқин транспортчи иштирок этади. 126 нафар шофёр эса ўз машиналарини бошқаради ва ками билан 5,3 минг тонна юкни белгиланган манзилларга етказиб беради. Бундан ташқари 20 та автомобиль ва прицеплар ремонт қилинади. Корхона территорияси тозаланади, спорт иншоотлари ремонт қилинади ва ободонлаштирилади. Айни вақтда юзлаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтказилади. Беш йиллик фондига ҳаммаси бўлиб минг сўмлик иш ҳақи ўтказилади.

У. МУҲАМЕДОВ.

Область пахтакорлар Совети кенгашидан

ШУ КУНГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Чигитни уюшқоқлик билан, энг яхши муддатларда экиб, уруғликни ернинг табиий намига бир текис ундириб олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

МАЪЛУМКИ, 1987 йил қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда оғир келди. Шунга қарамай деҳқонлар маҳоратлари, тажрибаларини ишга солиб меҳнат қилдилар. Чиноз, Янгийўл, Пискент районларининг пахтакорлари ва бошқа кўпгина хўжаликларнинг меҳнаткашлари моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиб, пахтадан анча дуруст ҳосил етиштирдилар, давлатга хом ашё сотиш планини муваффақиятли бажардилар.

Лекин умуман олганда кўпгина колхоз ва совхозларда агротехника тадбирларини ўтказиш чўзиб юборилди. Катта-катта майдонларда ғўза сийрак бўлиб қолди. Ҳосил кеч етилди. Натижада областдаги 104 та хўжаликдан атиги 37 тасидагина план бажарилди. 25 минг гектар майдонда ҳосилдорлик 20 центнердан кам бўлди.

Областимиз пахтакорлари бу йил республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойи қатнашчилари мурожаатига жавобан пахтадан эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш, давлатга кам деганда 395 минг тонна хом ашё топширишга ва ўн иккинчи беш йиллигининг учинчи йили планининг бажарилишини таъминлашга аҳд қилдилар. Бу вазифани бажариш, энг аввало, чигит экишни ўз муддатида ва уюшқоқлик билан ўтказиб, уруғликни ернинг табиий намига бир текис ундириб олишга боғлиқдир. Илгари хабар берганимиздек, бўлиб ўтган область пахтакорларининг кенгашида ана шу долзарб вазифа муҳокама қилинди.

Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар бу йил ҳам тиғиз шароитда ишлашга тўғри келаётганлигини, бунинг учун, энг аввало, каноп, ғалла, озуқа ва сабзавот экинлари экишни тезроқ тугаллаш зарурлигини қайд қилдилар. Бу хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, меҳнат коллективлари, агросаноат комплекси барча бўғинлари зиммасига ғоят катта масъулият юклайди.

Кенгаш қатнашчилари дала ишларининг тез ва соз ўтказилиши, агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида меҳнатни ташкил этишнинг бригада ва оила пудрати муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидладилар.

— Биз бу усулни қўлланиб яхши самараларга эришяпмиз, — деди Чиноз районидаги Навоий номли колхозининг раиси Ҳ. Акромов. — Ҳар қандай қийин шароитда ҳам пахтадан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш ва йиғим-теримни муваффақиятли якунлаш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Бу соҳадаги тажрибамизни янада бойитамиз. Шу билан бирга алмашлаб экишга ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Ҳозиргача хўжалигимизда 80 процент майдонда алмашлаб экиш жорий этилган. Бу муҳим агротехника тадбирини 100 процент майдонда жорий этиш учун ҳаракат қиламиз. Ҳозирга қадар алмашлаб экиш картасидаги бедаларни экиб бўлдик. Эндиликда асосий диққат-эътибор чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиб, гектарларнинг тўла бўлишига қаратилади.

Кенгаш қатнашчилари чигит экишнинг муваффақиятли ўтказилиши кўпгина ташкилий ишларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, улар яқин кунларда дала шийпонларини мавсумга созлашни тугаллаш кераклигини айтдилар.

Ҳамма хўжаликларда механизмлар, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг тайёргарлигини яна бир бор текшириб чиқиш зарур. Мавсум давомида экипаж аъзолари ўртасида йўлга қўйиладиган мусобақанинг самарали бўлиши тўғрисида шу кунларда қайғуриш лозим.

Бу йилги об-ҳаво шароити тупроқни экишга тайёрлаш ишига иҳодий муносабатда бўлишни талаб этади. Ерда намни сақлаб қолиш чораларини кўриш керак. Бунинг учун бороналашни сифатли ўтказиш талаб этилади. Бу ишга ер етилиши билан киришиш зарур.

Кўп йиллик бегона ўтлар бор бўлган майдонларда бороналашдан олдин тупроқни чизел культиваторлари билан 12—14 сантиметр чуқурликда ишлаш ва бегона ўт илдизларини дала четидан ташқарига чиқариб ташлаш шарт.

Ҳар бир хўжаликда деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган тадбирларнинг нэчиллик билан амалга оширилишига эътиборни қаратиш ғоят муҳимдир.

Тажрибадан маълумки, чигит экиб бўлингач, ёш ниҳолларнинг соғлом ўсиб ривожланиши тупроқдаги озуқа моддаларининг кўп ёки озлигига боғлиқдир.

— Афсуски, — деди Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исматов. — Биз кўп ҳолларда бу масалага яхши эътибор бермаймиз. Экиш олдидан ерга ўғит солиш сифатли ўтказилмайди. Мўлжалдаги ўғитни кеч берамиз. Натижада ғўза ғовлаб кетади.

Шу муносабат билан шудгорлаш билан бир йўлда йиллик нормадаги фосфор ва калий ўғитларининг 70 проценти ерга солинган майдонларда экиш олдидан ва экиш билан бир йўла йиллик нормадаги азотнинг 25—30 процентини беришни қатъий қонда қилиб қўйиш керак. Экиш билан бир йўла бериладиган ўғит қаторлардан 8 сантиметр нарига, кам деганда 12 сантиметр чуқурликка солиб кетилиши зарур.

Экиш бошлангунга қадар мавжуд гербицидларни бригадаларга тақсимлашни тугаллаш лозим. Бунда ҳар гектар ерга сарфланадиган норма ҳисобга олиниб, гербицидлар, албатта, полиэтилен қопларга олдиндан солиб қўйилган бўлиши шарт. Гербицид солиш нормаси об-ҳаво шароитининг қандай келишига қараб белгиланади. Бу ишни мутахассислар, тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, тўпланган тажрибаларга суяниб амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўтган йилги шароитнинг мураккаб келиши сифатли уруғлик тайёрлашни ҳам анча қийинлаштирганлиги маълум. Областда зарур бўлган тақдирда қайта экиш ва қўшимча экиш керак бўлиб қолса эҳтиёжни қоплайдиган даражада уруғлик запаси йўқ. Шунинг учун уруғликни тайёрлаш ва уни сарфлаш даврида белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиш, уруғликдан тежаб фойдаланиш талаб этилади.

Кенгаш қатнашчилари бу соҳада ҳам қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Агар туксизлантирилган чигит бўлса, ҳар гектарига 30—35 килограмм, тукли чигит бўлса қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларда 70 килограмм, 90 сантиметрли майдонларда 60 килограмм сарфланади. Бунда, албатта, чигитнинг сифати ва унувчанлик хусусияти ҳисобга олиниши шарт. Об-ҳаво шароити ноқулай келганда «Мивал» препаратидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу препарат билан чигитга ишлов берилса унинг унувчанлик / хусусияти ортади ва ғўзанинг ривожини тезлаштиришга ёрдам беради.

Экишни эрта муддатларда тугаллаш учун далаларнинг тайёргарлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳар бир бригададан бу ишни қатъий талаб этиш ва экин майдонларининг ҳолатини синчиклаб кўздан кечириб, комиссиянинг акти билан қабул қилиб олишни қонда қилиб қўйиш керак. Шунга эришиш зарурки, ҳар бир бригадада битта экиш агрегатига тўғри келадиган майдон 50—60 гектардан ошмасин. Бригадалар тажрибали механизаторлар билан комплектлаштирилиши, уларнинг ишини икки сменада ташкил этиш назарда тутилиши керак.

Об-ҳаво қулай келган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан самарали фойдаланиш, шунингдек, экиш даврида трактор ва бошқа механизмларнинг бетўхтов ва самарали ишлашига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тракторларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, уларга техника хизмати кўрсатишга қаратилган пишиқ-пухта тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиши ва бу тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш мавсумнинг мувофиқ[illegible] таъминлайди.

Экиш муддатини тўғри белгилаш ғоят муҳимдир.

— Бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди, — деди Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Авазов. —Тажрибадан шу нарса маълумки, ернинг 10 сантиметр чуқурлигида ҳарорат 14 даражага кўтарилганда экиш учун энг қулай муддат ҳисобланади. Бунга қатъий амал қилиш керак. Бу хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, бригадирларнинг омилкорлиги, маҳоратига боғлиқдир.

Ҳамма ерда экиш вақтида қаторларнинг тўғри чиқиши, қатор ораларининг белгиланган кенгликда бўлишини қатъий назорат қилиш талаб этилади.

Гектарларнинг тўлиқ, кўчатларнинг бут бўлиши — мўлжалдаги ҳосилни етиштиришда муҳим омилдир. Кенгаш қатнашчилари бу масалага ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Ниҳоллар кўзга ташланиши биланоқ биринчи культивацияни бошлаб юбориш, ягоналашга тайёргарлик кўриш, май ойининг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмасдан далаларда мўлжалдаги кўчатни бутлаб олинган бўлишига эришиш муҳим вазифадир.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЗОНАЛ ЛЕТУЧКАСИ

Ўтган шанба куни Янгийўл шаҳар, Чиноз, Оққўрғон, Калинин, Ғалаба район ва кўп нусхали газеталар редакциялари ижодий ходимларининг зонал летучкаси бўлиб ўтди. Уни Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари М. Нуриддинова очди.

Тошкент Давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори О. Тоғаев публицистикада қайта қуриш муаммолари тўғрисида гапириб берди.

«Янгийўл», «Ленин байроғи», «Ленинчи» «Мўл ҳосил учун» газеталарида партия ва идеологик ишни қайта қуриш, қишлоқ хўжалигида бригада ва оила пудрати масалалари қандай ёритилаётганлиги, газеталар танқидий чиқишларининг таъсирчанлиги обзор қилинди.

«Янгийўл» газетасининг редактори М. Пейсенов Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарликнинг ёритилиши, «Ленин байроғи» газетасининг редактори З. Қуртнезиров газетхонлар хатлари билан ишлаш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Зонал летучка қатнашчилари Усмон Юсуповнинг Янгийўлдаги уй-музейида бўлдилар, «Гулбаҳор» маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ва «Қалдирғоч» болалар цирки коллективи билан учрашдилар.

ЧОРВАДОРЛАР, МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон ССР агросаноат Давлат комитети коллегияси ва касаба союзлари агросаноат комплекси ходимларининг республика комитети президиуми 1987 йилда сут етиштириш ва давлатга сотиш, соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича юксак пировард натижаларга эришиш учун социалистик мусобақа натижаларини якунлашди. Ўзбекистон ССР агросаноат Давлат комитети, касаба союзлари агросаноат комплекси ходимларининг республика комитети фахрий дипломлари билан тақдирланган сутчилик фермалари орасида:

Тошкент областидан Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози, Паркент районидаги «Гулбоғ» совхози, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз, Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози, Калинин районидаги «Назарбек» совхози, Бўка районидаги «Ленинизм» колхози, Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхози, Бекобод районидаги «Далварзин» совхози;

Область пахтакорлар Совети кенгашидан

ШУ КУНГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Чигитни уюшқоқлик билан, энг яхши муддатларда экиб, уруғликни ернинг табиий намига бир текис ундириб олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

МАЪЛУМКИ, 1987 йил қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда оғир келди. Шунга қарамай деҳқонлар маҳоратлари, тажрибаларини ишга солиб меҳнат қилдилар. Чиноз, Янгийўл, Пискент районларининг пахтакорлари ва бошқа кўпгина хўжаликларнинг меҳнаткашлари моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиб, пахтадан анча дуруст ҳосил етиштирдилар, давлатга хом ашё сотиш планини муваффақиятли бажардилар.

Лекин умуман олганда кўпгина колхоз ва совхозларда агротехника тадбирларини ўтказиш чўзиб юборилди. Катта-катта майдонларда ғўза сийрак бўлиб қолди. Ҳосил кеч етилди. Натижада областдаги 104 та хўжаликдан атиги 37 тасидагина план бажарилди. 25 минг гектар майдонда ҳосилдорлик 20 центнердан кам бўлди.

Областимиз пахтакорлари бу йил республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойи қатнашчилари мурожаатига жавобан пахтадан эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш, давлатга кам деганда 395 минг тонна хом ашё топширишга ва ўн иккинчи беш йиллигининг учинчи йили планининг бажарилишини таъминлашга аҳд қилдилар. Бу вазифани бажариш, энг аввало, чигит экишни ўз муддатида ва уюшқоқлик билан ўтказиб, уруғликни ернинг табиий намига бир текис ундириб олишга боғлиқдир. Илгари хабар берганимиздек, бўлиб ўтган область пахтакорларининг кенгашида ана шу долзарб вазифа муҳокама қилинди.

Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар бу йил ҳам тиғиз шароитда ишлашга тўғри келаётганлигини, бунинг учун, энг аввало, каноп, ғалла, озуқа ва сабзавот экинлари экишни тезроқ тугаллаш зарурлигини қайд қилдилар. Бу хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, меҳнат коллективлари, агросаноат комплекси барча бўғинлари зиммасига ғоят катта масъулият юклайди.

Кенгаш қатнашчилари дала ишларининг тез ва соз ўтказилиши, агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида меҳнатни ташкил этишнинг бригада ва оила пудрати муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидладилар.

— Биз бу усулни қўлланиб яхши самараларга эришяпмиз, — деди Чиноз районидаги Навоий номли колхозининг раиси Ҳ. Акромов. — Ҳар қандай қийин шароитда ҳам пахтадан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш ва йиғим-теримни муваффақиятли якунлаш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Бу соҳадаги тажрибамизни янада бойитамиз. Шу билан бирга алмашлаб экишга ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Ҳозиргача хўжалигимизда 80 процент майдонда алмашлаб экиш жорий этилган. Бу муҳим агротехника тадбирини 100 процент майдонда жорий этиш учун ҳаракат қиламиз. Ҳозирга қадар алмашлаб экиш картасидаги бедаларни экиб бўлдик. Эндиликда асосий диққат-эътибор чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиб, гектарларнинг тўла бўлишига қаратилади.

Кенгаш қатнашчилари чигит экишнинг муваффақиятли ўтказилиши кўпгина ташкилий ишларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, улар яқин кунларда дала шийпонларини мавсумга созлашни тугаллаш кераклигини айтдилар.

Ҳамма хўжаликларда механизмлар, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг тайёргарлигини яна бир бор текшириб чиқиш зарур. Мавсум давомида экипаж аъзолари ўртасида йўлга қўйиладиган мусобақанинг самарали бўлиши тўғрисида шу кунларда қайғуриш лозим.

Бу йилги об-ҳаво шароити тупроқни экишга тайёрлаш ишига иҳодий муносабатда бўлишни талаб этади. Ерда намни сақлаб қолиш чораларини кўриш керак. Бунинг учун бороналашни сифатли ўтказиш талаб этилади. Бу ишга ер етилиши билан киришиш зарур.

Кўп йиллик бегона ўтлар бор бўлган майдонларда бороналашдан олдин тупроқни чизел культиваторлари билан 12—14 сантиметр чуқурликда ишлаш ва бегона ўт илдизларини дала четидан ташқарига чиқариб ташлаш шарт.

Ҳар бир хўжаликда деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган тадбирларнинг нэчиллик билан амалга оширилишига эътиборни қаратиш ғоят муҳимдир.

Тажрибадан маълумки, чигит экиб бўлингач, ёш ниҳолларнинг соғлом ўсиб ривожланиши тупроқдаги озуқа моддаларининг кўп ёки озлигига боғлиқдир.

— Афсуски, — деди Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исматов. — Биз кўп ҳолларда бу масалага яхши эътибор бермаймиз. Экиш олдидан ерга ўғит солиш сифатли ўтказилмайди. Мўлжалдаги ўғитни кеч берамиз. Натижада ғўза ғовлаб кетади.

Шу муносабат билан шудгорлаш билан бир йўлда йиллик нормадаги фосфор ва калий ўғитларининг 70 проценти ерга солинган майдонларда экиш олдидан ва экиш билан бир йўла йиллик нормадаги азотнинг 25—30 процентини беришни қатъий қонда қилиб қўйиш керак. Экиш билан бир йўла бериладиган ўғит қаторлардан 8 сантиметр нарига, кам деганда 12 сантиметр чуқурликка солиб кетилиши зарур.

Экиш бошлангунга қадар мавжуд гербицидларни бригадаларга тақсимлашни тугаллаш лозим. Бунда ҳар гектар ерга сарфланадиган норма ҳисобга олиниб, гербицидлар, албатта, полиэтилен қопларга олдиндан солиб қўйилган бўлиши шарт. Гербицид солиш нормаси об-ҳаво шароитининг қандай келишига қараб белгиланади. Бу ишни мутахассислар, тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, тўпланган тажрибаларга суяниб амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўтган йилги шароитнинг мураккаб келиши сифатли уруғлик тайёрлашни ҳам анча қийинлаштирганлиги маълум. Областда зарур бўлган тақдирда қайта экиш ва қўшимча экиш керак бўлиб қолса эҳтиёжни қоплайдиган даражада уруғлик запаси йўқ. Шунинг учун уруғликни тайёрлаш ва уни сарфлаш даврида белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиш, уруғликдан тежаб фойдаланиш талаб этилади.

Кенгаш қатнашчилари бу соҳада ҳам қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Агар туксизлантирилган чигит бўлса, ҳар гектарига 30—35 килограмм, тукли чигит бўлса қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларда 70 килограмм, 90 сантиметрли майдонларда 60 килограмм сарфланади. Бунда, албатта, чигитнинг сифати ва унувчанлик хусусияти ҳисобга олиниши шарт. Об-ҳаво шароити ноқулай келганда «Мивал» препаратидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу препарат билан чигитга ишлов берилса унинг унувчанлик / хусусияти ортади ва ғўзанинг ривожини тезлаштиришга ёрдам беради.

Экишни эрта муддатларда тугаллаш учун далаларнинг тайёргарлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳар бир бригададан бу ишни қатъий талаб этиш ва экин майдонларининг ҳолатини синчиклаб кўздан кечириб, комиссиянинг акти билан қабул қилиб олишни қонда қилиб қўйиш керак. Шунга эришиш зарурки, ҳар бир бригадада битта экиш агрегатига тўғри келадиган майдон 50—60 гектардан ошмасин. Бригадалар тажрибали механизаторлар билан комплектлаштирилиши, уларнинг ишини икки сменада ташкил этиш назарда тутилиши керак.

Об-ҳаво қулай келган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан самарали фойдаланиш, ш

БУГУН—ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ БЎЛАДИ

УНДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ (1988 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

МАКТАБГА—БИЛИМДОН КАДРЛАР.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида совет мактабини, умуман кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини қайта қуриш бу ишга бутун партия, унинг барча бўғинлари, ҳар бир коммунистнинг қанчалик актив киришишига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу талаблар асосида мактаб ислоҳотини таҳлил қиладиган бўлсак, Бекобод районида қандай манзара намоён бўлади? Район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Ж. ШАРИПОВ билан мухбиримиз суҳбати шу саволдан бошланди.

— Мактабларнинг ижтимоий қайта қуришдан орқада қолаётганлиги ҳаммамизни ташвишлантирмоқда, — деди Жаҳонгир Жўраевич. — Шу боисдан ҳам ўрта ва олий мактабда қайта қуриш қандай бораётганлиги ва уни амалга ошириш соҳасидаги вазифалар КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида махсус кўриб чиқилганлиги бежиз эмас. Пленумда халқ маорифининг барча муаммолари ва истиқболлари атрофлича таҳлил қилинди, бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Ҳаммамизга маълумки, мактаб ислоҳоти КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми қарорлари асосида бошланган эди. Лекин қотиб қолган бюрократик бошқарув, инспекторларнинг ўзбошимчалиги, расмиятчилик, процентбозлик педагогика коллективларининг ишга ижодий ёндошишига йўл қўймади. Натижада ислоҳот бир жойда депсиниб тураверди, билимнинг обрўси, таълим-тарбиянинг сифати пасайиб бораверди. Маориф идоралари эса принципсизлик билан мавжуд аҳволни баландпарвоз маълумотлар билан яшириб келди.

Ўрта ва олий мактабни қайта қуришга тўсқинлик қилаётган камчиликларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида рўй-рост очиб ташланди, мавжуд аҳволга ошкора, принципиал баҳо берилди. Районимиз коммунистлари Пленум якунларини атрофлича муҳокама қилиб тегишли хулосалар чиқариб олдилар.

Район партия комитети пленумига тайёргарлик пайтида райком аъзолари ва аъзоликка кандидатлар мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, мактабгача таълим муассасалари иши билан ҳар томонлама чуқур танишдилар, ислоҳот бошлангандан бери қандай ўзгаришлар бўлганлигини таҳлил қилдилар.

Районимизда ҳозир 50 та мактаб, педагогика ва ҳунар-техника билим юртлари, 6 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, ёш техниклар ва табиатшуносларнинг станцияси, пионерлар уйи ва бошқа муассасалар ишлаб турибди. Таълим-тарбия муассасаларида 2228 педагог ва инженер-техник ходим меҳнат қилаяпти. Район партия комитети педагогкадрлар активлигини ошириш, ўқиш ва ўқитиш жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ўз пленум ва бюро мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб бораяпти.

— Муҳокамаларнинг самараси бўлаяптими?

— Маълум даражада ўзгаришлар сезиляпти. Район партия комитети ва район ижроия комитети белгиланган тадбирлар асосида Ойбек номли совхозда қисқа вақт ичида 2 та болалар боғчаси ҳашар йўли билан қурилди. Ҳозир эса иккита мактаб қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланяпти. «КПСС XXV съезди» совхози дирекцияси ва партия ташкилоти ташаббуси билан эса 1297 ўринли иккита мактаб, 5-мактаб учун 6 та қўшимча синфхона қурилиши бошлаб юборилди.

Лекин бошқа ҳужжатлар тўғрисида ижобий гаплар айта олмаймиз. Энг бақувват хўжаликлардан ҳисобланган Ленин номли колхозда мактаб масаласи қачонлардан бери кескинлигича қолиб келаяпти. Колхознинг 1-, 2-, 5-участкаларида истиқомат қилаётган ота-оналар номигагина қурилган мактабдаги ночор аҳволдан нолиб бир неча бор мурожаат қилдилар. Шароитнинг йўқлиги учун ҳам колхозчиларнинг 1,6 мингдан ортиқ фарзандлари тор ва қоронғу хоналарда ўқишга мажбур бўлмоқдалар. Янги мактаб қурилиши учун хўжаликда маблағ йўқ, деб ўйлайсизми? Маблағ бор. Колхоз ҳисобидаги 7 миллион сўм ҳаракатсиз ётибди. Ундан оқилона фойдаланиш йўлларини топиш керак.

«Далварзин» совхозида ҳам мактаб ва мактабгача болалар муассасалари қурилиши эътиборсиз қолаяпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда совхозда яқин келажакда мактаб ёшидаги болалар сони 3100 нафардан ортиши кутилмоқда. Лекин улар учун мактаб қуриш эса раҳбарларнинг хаёлига келмаяпти.

Район партия комитети пленумида РАПО, район Совети ижроия комитети раҳбарлари адресига жиддий эътирозлар билдирилди. Улар ишчилар резервини яратишдек муҳим вазифага етарлича эътибор бермаяптилар. 5-ҳунар-техника билим юртининг ишчи-кадрлар тайёрлаш бўйича колхоз ва совхозлар билан тузган узоқ муддатли комплекс программаси йўқлиги эсланмоқда. Педагогика билим юртида эса социал масалалар ниҳоятда сust ҳал қилинмоқда. Етоқхоналар етишмаётганлиги учун ҳам 200 нафар талаба шахсий уйларда ижарада турибди. Аудиториялар етишмаётганлиги учун эса талабалар икки сменада ўқишга мажбур бўлмоқдалар. Улар учун қўшимча фан кабинетлари, лабораториялар, спорт зали зарур. Шунда таълим-тарбия сифати, ёшларнинг билим даражаси яна ҳам ошган бўларди.

— Билимдон кадрлар тайёрлаш ҳозир биринчи даражали вазифа қилиб қўйилаётганлиги бежиз эмас. Бунинг учун эса энг аввало ўқитувчиларнинг билим ва малакасини ошириш талаб қилинади. Шундай эмасми?

— Албатта. Ўқитувчи қанчалик билимли ва маҳоратли бўлса ўқувчи фанларни шунчалик тез ва чуқур эгаллайди. Ҳозир районимизда 1586 нафар олий маълумотли ўқитувчи ёшларга билим бераяпти. Ҳар йили 30 дан ортиқ ёш мутахассис район педагоглари сафига қўшилмоқда, 300 дан ортиқ ўқитувчи эса курсларда малака ошириб қайтаяпти. Лекин шунга қарамай ўқиш ва ўқитиш сифатини оширишда кутилган натижаларга эриша олмаяпмиз. Олий ўқув юртларини тамомлаб келаётган мутахассисларнинг аксарияти ҳаёт талабларига жавоб бера олмаяпти.

Кейинги икки ой давомида район партия комитети ва район халқ маорифи бўлими ҳамкорликда бир қатор мактабларни комплекс текширувдан ўтказдилар. Текширувлар давомида айрим мактабларда фанларни ўзлаштириш ниҳоятда қониқарсиз эканлиги маълум бўлди. Кўпгина ўқитувчиларнинг малакаси паст, улар ўз устларида мунтазам ишламайдилар. Шу боисдан ҳам дарслари саёз ва юзаки бўлаяпти, болаларга чуқур билим бера олмаяптилар.

Комиссия аъзолари 26-мактабнинг саккизинчи синфида ўқиётган 37 нафар ўқувчидан контроль диктант олганларида улардан 26 нафари ёзган иш қониқарсиз деб баҳоланди. Фақат тўрт нафар ўқувчигина «яхши» баҳо олди. Шундай ҳоллар бошқа мактабларда ҳам кўзга ташланди. Ўқувтарбия ишида йўл қўйган камчиликлари учун кўпгина педагоглар жазоланди. Район халқ маорифи бўлими аппарати ходимлари мавжуд нуқсонларни бартараф этишда ҳозир мактабларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Лекин танқидни писанд қилмаётган педагогик коллективлар ҳам йўқ эмас. Ойбек номли 31-ўрта мактаб раҳбарлари ҳамон ўз зиммаларига юкланган масъулиятни чуқур ҳис этмаяптилар, комиссия танқидларидан тўғри хулосалар чиқариб олмаяптилар.

Албатта, мактабларда ўқувтарбия ишларининг бўшашиб кетишида район халқ маорифи бўлимининг ҳам айби бор. Район халқ маорифи бўлими кенгаши ва аппарати иш услуби ҳамон эскилигича қолаяпти. Кенгаш мажлислари кун тартибига кўпдан-кўп масалалар қўйилиб, узундан-узоқ муҳокама қилинмоқда.

Район халқ маорифи бўлими методика кабинетининг иши талабларга тўла жавоб бермайди. Илғор тажриба мактаблари ташкил этилмаган. Кўпгина мактабларда секциялар фақат номигагина тузилган. Уларга методистлар ёрдами сезилмайди. Лоқайдлик туфайли кўпгина муаммолар узоқ йиллардан бери ҳал этилмай қолаяпти. Ўқитувчиларнинг август кенгашларида ҳам шундай камчиликлар тилга олинган эди. Лекин район халқ маорифи бўлими ходимлари ишда ўзгариш ясамаяптилар.

Тошкент тўқимачилар маданият саройининг «Булоқча» болалар студиясида асосан мактаб ўқувчилари иштирок этишмоқда. Улар бу ерда расм чизиш, тасвирий санъат сирларини эгаллайдилар. Бу ишда тўгарак аъзоларига меҳрибон мураббий Яков Львович Фрумгарц ҳамиша бош-қош. Суратда: студияда машғулот пайти.

А. ГОРОКРИК фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

КЕЙИНГИ йилларда ўқитувчига ҳурмат-эътибор ҳақида кўп гапириляпти. Халқимизда обрў мисқоллаб йиғилади деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Педагог фақат ўзининг сидқидиллиги, чеккан заҳматлари эвазигагина самимий ҳурмат эгаси бўлиши мумкин. Мен бир неча йиллар давомида бошланғич синфларда дарс бериб келдим. Ҳозир пенсиядаман, дам олаяпман. Ўқитган ўқувчиларим кўча-кўйда кўрсалар саломларини канда қилишмайди. Ҳамкасбларим хонадонимга сизни соғиндик деб кириб келишганида кўнглим ҳам, уйим ҳам нурга тўлиб кетади.

ХАЛОЛ МЕҲНАТГИНА ОБРЎ КЕЛТИРАДИ

Ўқитувчилик касби туфайли менга ўхшаб иззат-икромга сазовор бўлганлар анчагина. 40—50 йилдан ишлаб қўйиб ҳозир ҳордиқ чиқараётган Зоит Рихсиев, Мираҳмад Мирзаев, Раҳмон Азизов, Марғуба Ворисова, Лутфи Шомаҳмудовалар ана шулар жумласидандир. Мен, партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленумида ўқитувчи обрўсини янада кўтаришга эътибор берилганидан янада хурсандман. Ёш педагогларга: ҳалол меҳнат қилаверинг, болаларга қалб қўрингизни бағишланг, ҳар бир ўқувчи юрагига йўл топинг, билим ва маҳоратингизни оширинг, шундагина юксак обрў ва шарафга эга бўласиз, демоқчиман.

Ҳукми СОДИҚОВА,
Киров районидаги 274-мактаб ветеран педагоги.

ГАПДАН—ИШГА

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми ҳужжатларини ўқиб чиқиб, зиммамизга қанчалик масъулиятли вазифалар юкланганлигини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Бизнинг мактаб шароитида ҳам ислоҳотни амалга ошириш учун жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш керак бўлади. Биномиз талабга жавоб бермайди. Синфлар жуда тор, ноқулай, ҳовлидан тўғри лой босиб синфларга кирилади. Жиҳозланган кабинетлар ҳозирча биз учун орзу, холос. Қисқаси — моддий базамиз ўта ночор. Мен буни кимдандир норози бўлиб гапираётганим йўқ. Кўп йиллар давом этган турғунлик даври маориф ишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ошириб баҳо қўйишлар, камчиликни яшириб, сохта ютуқларни кўрсатишлар бизни шу куйга солиб қўйди.

Энди бу ҳолдан қандай қилиб қутулиш мумкин? Фикримча, мактаб ислоҳотининг ҳаммага тегишли эканлигини баб-баравар ҳис қилишдир. Фақатгина мактаблар, халқ маорифи органларигина эмас, район партия, совет ташкилотлари ҳам, колхоз ҳам, корхона ҳам янги мактаблар қуриш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳақида ўйласинлар.

Фикрларим, албатта, янгилик эмас. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда. Аммо бажаришга келганда кўплар ўзларини четга олиб қочишади.

А. ДАВУРБОЕВ,
Чиноз районидаги Зебуннисо номли 45-мактаб директори.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТАЙЛИК

ТОШКЕНТ шаҳар Собир Раҳимов районидаги Энгельс номли 11-мактаб педагогик коллективи ўртасида КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми материалларини ўрганиш жараёнида ўқув-тарбия самарадорлигини ошириш, педагогнинг қайта қуришдаги иштирокини кучайтириш юзасидан турли мулоҳазалар, таклиф ва истаклар ўртага ташланмоқда. Махсус мухбиримиз З. Жўраева бу мактабда бўлиб, айрим педагоглар билан Пленум материалларн хусусида суҳбатлашди. Қуйида уларнинг фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

М. РАСУЛОВ,
мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Маориф соҳасида кўп йиллардан бери ишлайман. Тўплаган тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, агар таълим-тарбия ишларида уюшқоқлик бўлмаса бирон натижага эришиш қийин. Нима учун 30—50 йилларда болаларнинг ўқишга қизиқиши яхши эди? Ҳатто битта китоб 10—15 одамга тўғри келганда ҳам ўқувчилар уни талашиб, қизиқишиб ўқишган. Бунинг сабаби бор, албатта. Ўқитувчи болаларга фидоий эди. Уни қачон қарасангиз мактабдан топардингиз, қолоқлар билан шуғулланаётганлигини, тўғарақда машғулот олиб бораётганлигини кўрардингиз. Шу зайлда боланинг ўз муаллимига меҳри ортарди.

Ҳозирчи? Давр ўзгарди. Педагог дарсини бериб бўлдими, уйига, тирикчилигига қараб чопади. Бу ўринда менга ҳамкасбларим «Нима, ўқитувчининг бола-чақаси йўқми, у ҳам бошқаларга ўхшаб яшаши керак эмасми?» — деб эътироз билдиришлари мумкин. Лекин касбимизнинг асл моҳиятидан келиб чиқадиган бундай эътирозни ноўрин деб биламан. Зотан биз — ўқитувчимиз. Ўқувчиларимиз бизнинг меҳримизга ҳам, билимимизга ҳам, ёрдамимизга ҳам ташна. Агар педагог ҳар бир хизматини пулга чақаверса бундай ўқитувчидан маорифга ҳам, болаларга ҳам наф кам бўлади. Демак, хизматимиз зарур, бўлганда вақт билан ҳисоблашмай иш билан астойдил шуғулланиш талаб қилинади. Февраль Пленумида ўқитувчининг худди шундай олижаноб хислатларини назарда тутган ҳолда унга қайта қуришнинг муҳим иштирокчиси сифатида муносиб баҳо берилди.

Энди иккинчи бир фикр. Мен тилга олган йиллар билан бугунги кун ўқитувчисининг фарқи катта ва шундай бўлиши ҳам керак. Нега? Сабаби ҳозир ўқувчилар телевизор кўрадилар, радио эшитишади, кино, театрларга боришади, оралларида китоб ўқийдиганлари ҳам кўп. Демак, саводни, савияни оширадиган бошқа омиллар билан кўпроқ мулоқотда бўладилар. Буни айтишимдан мақсад — ҳозирги ўқувчини унча-бунча нарса билан ҳайратлантириб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам педагог ўз устида тинмай ишлаши керак. Агар у ўз соҳасига оид янгиликлардан, кундалик воқеалардан хабардор бўлмаса, билимда, фикрий доирада кўпгина жиҳатлари билан ўз талабларидан устун турмаса бундай ўқитувчининг обрўсизланиши табиий. Педагогнинг заифлигини сезган ўқувчилар эса уни менсимай қўядилар, дарсига лоқайд муносабатда бўладилар.

Маорифимизнинг оқсоб қолишига яна бир сабаб бор, деб ўйлайман. Масалан, қайсидир бир корхона ёки ташкилотга «мактабни оталиққа олинг», — деб тайинлаб қўйишади. Кейин оталиқ ёрдами кўрсатиляптими, биров мактабдан хабар оляптими, бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Ахир директор ремонталаб мактабнинг дардида «йиглаб» қаерларга мурожаат қилмайди, дейсиз. Ёки, бўёқ, чўтка, алибастр, цемент қидириб кимларга бош эгмайди, дейсиз?! Гапирсам гап кўп. Мактабга таъналар ҳам, даъволар ҳам керак. Аммо ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ амалий ёрдам зарур.

Бизнинг мактабимиз саккиз йиллик. Оталиқ ташкилотимиз — Тошкент чинни заводи. Очигини айтсам, мактабимизда болаларни ўзига мос касбга ўргатишда қийналяпмиз. Чунки бизда имконият йўқ. Устахонамиз ночор. Ўқувчиларнинг ёши тўғри келмаганлиги учун уларни корхонадаги станокларга ёнига қўйиб бўлмайди. Мана бу муаммоларни ҳал этишда мактабга район халқ маорифи бўлимининг амалий ёрдами жуда зарур.

Мени безовта қилаётган ўчинчи бир муаммо ҳам бор. Кейинги ўқув йилларида ўқув программасига мувофиқ мактабларда рус тили ва чет тилини болалар пухта ўрганишлари учун битта синфни икки группага бўлиб ўқитиш одат тусига кирди. Буни табриклаш керак. Тўғри йўл. Лекин шу билан бирга ўзбек тили ва адабиёти дарсларини қисқартирилгани билан мутлақо келишиб бўлмайди! Ахир ўқунчи ўз она тилисини мукаммал билмай туриб, бошқа тилларни пухта ўзлаштира олади, деб ким айтади? Пленумда шу масалага алоҳида эътибор берилганлигидан хурсандман. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачевнинг Пленумдаги «Тил масаласида ҳеч қандай имтиёзлар ёки чеклашларга, айниқса, мажбур қилишга йўл қўйиб бўлмайди», деган фикри нақадар ҳаққоний. Демак, мактабларда турли миллий тилларни, жумладан, ўзбек тили ва адабиёти дарсларини ҳам қисқартириш ёки чеклашга йўл бермаслик зарур. Аксинча, она тили ва адабиёти дарсини икки группага бўлиб ўргатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

М. МУҲАММАДЖОНОВ,
химия-биология ўқитувчиси.

Пленум ҳужжатлари билан танишар эканман, унда жуда долзарб муаммолар ҳақида сўз юритилганлигининг гувоҳи бўлдим. Шулардан бири — ўқитувчига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш масаласидир. Буни мен педагогларга ўзлари устида ишлашлари учун шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг турар-жойидан, турмуш тарзидан хабардор бўлиш деб тушунаман. Лекин биз ўқитувчиларни турли ишлар билан банд қилиш ҳоллари кам эмас. Пленумда ана шуни бартараф этиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун бир мисолга мурожаат қиламан. Масалан, мактабимизга Сағбон кўчасининг маълум қисми биркитиб қўйилган. Биз ҳар шанба ва якшанба кунлари ўқувчиларни ана шу кўчани тозалаш учун олиб чиқамиз. Тўғри, ҳаммамиз шаҳримизнинг кўркам, ораста ва обод бўлишида иштирок этишимиз керак. Лекин ҳар бир дам олиш кунини шу ишга сарфлайвериш шартми? Нима учун коммунал идора хизматчилари ўз бурчларига ҳалол муносабатда бўлишмайди?! Фаррошлар ишини ўқувчилар бажариб юришади. Мен шанбаликлар тарафдориман. Аммо уларнинг ҳам меъёри бўлиши керак, ахир. Ана шунда ўқитувчининг бирон нарса ўқиши, ижодий изланиши, дам олиши, фарзандларига вақт ажратиши учун имкон яратилади.

Яна бир мулоҳаза — бу дарсликлар ҳақида. Юқори синфларда ўқитилаётган химия дарслиги ҳозирги кун талабларига жавоб бермай қолди. Яқинда мен Болтиқбўйи республикалари мактаблари учун тузилган янги дарсликлар билан танишиб чиқдим. Унинг авторлари Рудзитис ва Фельдманлар ўтиладиган ҳар бир машғулот учун мослаб жадваллар тузганлар. Химия фанининг ривожланиши ҳақида қўшимча маълумотлар берганлар. Бу ҳозирги давр талабига монанд бўлган

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ НЕГИЗИ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАН

ОБЛАСТЬ партия комитети ҳузурида идеологик иш бўйича кенгаш тузилди. Партия ходимлари, олимлардан иборат бўлган бу кенгаш аъзолари шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат, интернационал, ватанпарварлик, атеистик, маънавий-аҳлоқий тарбия соҳасидаги тажрибаларини умумлаштириб ва ёйиб борадилар. Улар шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ўқув, лекция пропагандаси самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқадилар. Идеология муассасалари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Идеологик иш бўйича кенгаш жойларда турли мавзуларда зонал илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, меҳнаткашлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб туришни режалаган.

Кенгаш ана шундай зонал илмий-амалий конференциянинг дастлабкисини Ғалаба районидаги «Балиқчи» экспериментал хўжалигининг маданият саройида ўтказди. Унга Ғалаба, Оққўрғон, Чиноз районлари ва Янгийўл шаҳар партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, идеология активи таклиф қилинди.

Область партия комитетининг секретари **Э. И. Фозилов** конференцияни кириш сўзи билан очди.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси **Комил Икромов**нинг интернационал тарбияга онд қизиқарли суҳбатини тингладилар. Шунингдек, адиб ўз отаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Акмал Икромовнинг ҳаёти, республикада миллий масалани ҳал қилиш учун олиб борган курашига доир хотираларини ҳикоя қилди.

Конференцияда Тошкент Давлат университетининг профессори, тарих фанлари доктори **С. И. Ғитлин** «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида миллий муносабатларни ривожлантиришнинг баъзи масалалари», Тошкент Давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори **А. Абдусамедов** «Интернационал ва атеистик тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги» тўғрисида қизиқарли докладлар билан чиқдилар.

Докладларда таъкидланганидек, чор Россиясининг чекка ўлкаси ҳисобланган республикамизда замонавий индустриянинг барпо этилиши совет халқлари дўстлигининг бебаҳо самарасидир. Ўзбекистонда биринчи завод ва фабрикалар, электростанциялар рус, украин, белорус ва бошқа халқларнинг ёрдами натижасида бунёд этилганлиги яхши маълум. Янги корхоналар учун кадрлар тайёрлашда ҳам қардош халқлар ёқиндан кўмаклашдилар. Шу боисдан ҳам интернационал ва атеистик тарбия идеологик ишнинг таркибий қисмидир. Кўп миллатли коллективларда интернационал ва атеистик тарбияни олиб боришга жиддий ёндошмоқ зарур.

Ростини айтадиган бўлсак, ҳали ҳам биз «ялпи қамраб олиш» сеҳридан қутулиб олганимиз йўқ. Атеистик тарбия тўғрисида гап очилиши биланоқ дарров ўтказилган кечалар, ўқилган лекциялар тилга олинади. Ҳар бир конкрет ёшларнинг дунёқараши, уларнинг ташвишлари, орзу-умидлари эса эътибордан четда қолади.

Конференция қатнашчилари докладлардан сўнг ўзаро тажриба алмашдилар, фикр ва мулоҳаза билдирдилар, саволларга жавоб олдилар.

Г. Аседова, Ғалаба район партия комитетининг иккинчи секретари:

Биз меҳнаткашлар ўртасида интернационал ва атеистик тарбияни ёйлга қўйишда олимлардан зарур ёрдам, тавсияларни кам олаяпмиз. Масалан, миллий ва диний анъаналарни олайлик. Улар айрим ҳолларда бир-бирига қўшилиб кетган. Олимларимиз миллий ва диний анъаналарни бир-биридан қандай ажратиш кераклигини тушунтириб беришлари керак. Ҳозир меҳнат коллективларида интернационал тарбияни тўғри йўлга қўйишга қаратилган аниқ методик кўрсатмалар борми?

А. Абдусамедов: Миллий ва диний анъаналар ўртасидаги фарқ кўпгина илмий асарларда батафсил баён этилган. Хусусан, кейинги пайтларда босмадан чиққан «Атеист кутубхоначаси» тўпламида ва бошқа китобларда муфассал ёзилган. Лекин баъзи партия ходимлари, идеология активи бу асарлар билан яхши таниш эмаслар.

С. И. Гитлин: Меҳнат коллективларида интернационал тарбияни йўлга қўйиш ижодий, жонли ва серқирра ишдир. Бу ҳар бир миллат маданияти, урф-одатлари, тарихини ҳурмат қилишда ва бошқа масалаларда намоён бўлади. Масалан, социал адолат принципини олиб кўрайлик. Квартираларни тақсимлаш, мукофотлар бериш, кадрларни лавозимларга кўтариш ва бошқа масалаларда коллективнинг миллий составига алоҳида эътибор бериш лозим.

Т. Оллаберганова, Чиноз район партия комитетининг секретари:

— Интернационал тарбия ижодий иш, деб нотиқлар тўғри таъкидлашди. Районимиздаги бошланғич партия ташкилотларида бу ишни йўлга қўйишда ҳар бир коллективнинг миллий составини тўла ҳисобга олиняпти. Биз юқоридан бериладиган кўрсатма ва тавсияларга қараб иш қилишга кўникиб қолганмиз. Бироқ миллатлараро муносабат муаммоларини бир қолипдаги планлар, тадбирлар билан ҳал қилиб бўлмайди.

Районимиз меҳнат коллективларида интернационал тарбияни йўлга қўйишда яхши тажриба орттирган партия ташкилотлари ҳам бу соҳадаги расмиятчиликдан баъзан қутула олмаяптилар.

Г. Галиева, Оққўрғон район халқ маорифи бўлимининг методисти:

— Ёшларда интернационал хислатлар мактаб партасидан шакллана бориши керак. Бу ишда педагогик коллективларнинг роли катта. Мактабларда ташкил этилган интернационал дўстлик клублари турли миллатга мансуб «ёшларнинг бир-бирлари билан алоқа ўрнатишига кўмаклашяпти. Шу клуб аъзолари бўлган бошқа-бошқа республикаларда яшовчи турли миллатга мансуб йигит ва қизлар ўртасида дўстлик алоқалари йилда-йилга чуқурлашиб бораяпти.

Бироқ ҳамма ўқитувчиларимизда ҳам ўқувчиларни интернационализм рухида тарбиялаш билан шуғулланишга мойилликлари бўлаяптими? Афсуски йўқ.

Интернационал тарбия билан кўпроқ мактабдан ташқари машғулотларда шуғулланишади. Айрим педагогларимиз эса белгиланган дарсни ўтиш билан ўз вазифасини ўтаган деб ҳисоблайдилар. Партия ва касаба союз ташкилотлари бундай ўқитувчиларга нисбатан талабчанликни оширишлари керак, деб ҳисоблайман.

Ўрни келганда бизнинг педагогика олий ўқув юртларига ҳам эътирозларимиз бор. Институтларда бўлажак ўқитувчиларга интернационал тарбия асосларини ўргатиш йўлга қўйилмаган. Улар институтни тугаллаганлар бўлсалар-да бу ишнинг таъсирчан форма ва методларини яхши билмайдилар.

Д. Турғунбоева, Оққўрғон район комсомол комитетининг секретари:

— Ўқувчилар ўртасида интернационал тарбияни яхши йўлга қўйишда турли миллат фарзандларининг бир мактабда ўқиши катта аҳамият касб этади. Бунга бир мисол келтирмоқчиман. Район комсомол комитетининг ташаббуси билан ўзбек ва рус тилларида ўқитиладиган мактаб ташкил қилдик. Бу ерда турли миллат фарзандлари иноқлашиш билан биргаликда ўзбек болалари рус тилини пухтароқ эгаллай бошладилар. Рус ўқувчиларининг ҳам ўзбек маданияти ва урф-одаталарига қизиқиши ортди. Ташкил қилинаётган тадбирлар ҳам интернационал руҳда, қизиқарли ўтяпти.

Т. Иманқулов Ғалаба, район комсомол комитетининг биринчи секретари:

— Конференцияда ёшлар ўртасида интернационал ва атеистик тарбияни йўлга қўйиш масалаларига катта эътибор берилаётгани қувонарлидир.

Лекин ана шу масалаларни муҳокама этишда ёшлар фикр-мулоҳазалари билан қизиқиб кўрилса ҳам яхши бўларди. Навбатдаги конференцияларни ўтказишга комсомол комитетлари вакилларини кенгроқ жалб этиш лозим деган фикрдаман.

Ҳ. Зокирова, Ғалаба район «Ленин йўли» газета редакцияси партия ташкилотининг секретари:

— Районимизда 50 га яқин миллат вакиллари яшайди. Уларнинг меҳнати, ҳаёти, муаммолари газета саҳифаларида маълум даражада ўз аксини топаяпти. Бироқ биз интернационал тарбия мавзусини ёритишда эски қолипдан чиқолмаяпмиз. Халқлар дўстлигига бағишланган мақолалар фақат мадҳиябозликдан иборат бўлмоқда, оммавий ахборот воситалари ҳозирги ошкоралик даврида интернационал тарбиядаги туб муаммоларни ишонарли тарзда очиб беришлари керак.

М. Нуриддинова, Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари:

— Идеологик иш интернационал ва атеистик тарбия билан биргаликда маънавий ва аҳлоқий тарбияни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун кейинги конференцияларда кишиларнинг маънавий ва аҳлоқий тарбияси билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам муҳокама қилишни таклиф этаман.

К. Расулов, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири:

— Конференцияга якун ясар эканмиз, интернационал тарбия соҳасидаги каттагина ютуқларимизни алоҳида таъкидлаш лозим. Областимизда юзга яқин миллат ва элат вакиллари яшаб меҳнат қилмоқда. Турғунлик йилларида етилган муаммоларга эътиборсизлик билан қаралгани оқибатида баъзи ташвишли ҳоллар келиб чиқди. Ҳозир миллатлараро муносабатлар чўқурроқ таҳлил этиляпти. Айрим пайтларда асосан турли дабдабали тадбирлар ўтказиш билан чегараланиб қолган эди. Бу ишга партия комитетлари ҳам етарлича эътибор бермай қўйганди. Энди ана шу камчиликлар бартараф этилиб, интернационал тарбия билан жиддий шуғулланиляпти. Бугунги конференцияда ва бундан кейин ҳам ўтказадиган ана шундай тадбирларимиздан сўнг ишлаб чиқиладиган тавсиялар идеологик ишнинг муҳим таркибий қисми бўлган интернационал тарбияни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда собитқадамлик билан олиб боришга кўмаклашади, деган умиддамиз.

Шунингдек, зонал илмий-амалий конференцияда сўзга чиққан Тошкент Электротехника ва алоқа институти доценти, тарих фанлари кандидати З. Тожиев, Оққўрғон районидаги 40-мактаб ўқитувчиси В. Долгих, Чиноз район «Ленин байроғи» газетаси редактори З. Қуртнезиров ва бошқалар қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган интернационал ва атеистик тарбияни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

А. НОСИРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• Тараққиётнинг янги босқичида •

КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Область касаба союзлари Совети президиумининг бўлажак пленумга ҳисоботи тезислари

Область касаба союзлари Совети, унинг президиуми ва бўлимлари ўз ишларига анча масъулиятлироқ ва аниқ мақсадни кўзлаб ёндашдиган бўлиб қолдилар. Область касаба союзлари Совети фаолиятини план асосида олиб бориш яхшиланди, область касаба союз органлари ва бошланғич касаба союз ташкилотларининг ташкилотчилик ва тарбиявий ишини таҳлил қилиш ва унга баҳо беришга нисбатан талабчанлик ва танқидий ёндашув кучайди. Ишнинг янги самарали формалари — меҳнат коллективларида кўчма мажлислар, «Область касаба союзлари Совети» ва «Очиқ хатлар» кунлари, касаба союз ҳаётининг турли масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказиш, областдаги сайланган органлар аъзоларининг касаба союзлари Совети президиумига киритиш учун масалалар тайёрлаш ва унинг мажлисларини ўтказишда иштирок этиши кенг фойдаланилмоқда. Касаба союз активи, кенг жамоатчилик муҳокамасига муҳим масалалар ҳавола этиляпти.

Айни вақтда шуни тан олиш керакки, касаба союзлари область Совети президиуми ҳали ҳам область касаба союз ташкилотлари ва органларида қайта қуришга раҳбарликнинг услуб ва усулларини қатъий ижобий ўзгартиришга эришганича йўқ. Бу аввало, область касаба союзлари Совети раисининг ишидаги камчилик оқибатидир. Янгича ишлашда дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Ҳозирча раҳбарликнинг маъмурий-бюрократик услубидан кишилар билан аниқ кундалик ишга, қўйи бўғинларга амалий ёрдам беришга қатъий юз ўгирилганича йўқ.

Кўпчилик корхоналарда касаба союз комитетлари пассивлик кўрсатмоқдалар, ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланмаяптилар, ўз коллективларига таллуқли бўлган ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилишда етарли даражада қатъийлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар.

Область касаба союзлари Советининг секретари Д. Д. Усачев, ишлаб чиқариш ишлари ва иш ҳақи бўлими мудири В. М. Шабанов аҳволни ўз-ўзини танқид асосида баҳоламаяптилар, хўжалик юритишнинг янги усулларини қатъийлик билан амалга оширмаяптилар, область комитетлари ва касаба союз комитетлари ишига суст таъсир кўрсатмоқдалар.

Корхоналарнинг нореал планлари тузилиши шундан ҳам далолат берадики, кўпгина касаба союз ташкилотлари шу планларни шакллантиришда фаол иштирок этмайдилар.

Ҳамма жойда хўжалик ҳисоби ва пудратни жорий қилиш жуда ўткир бўлиб турипти. Кутиш позициясида турган, хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтишга шошилмаётган кўпгина корхоналарни айтиш мумкин. Масалан, «Промсвязь» заводи, бадиий буюмлар фабрикаси, Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўрток» кондитер фабрикаси, Чирчиқ трансформатор заводида бирор бригадада ҳам хўжалик ҳисоби жорий қилинмаган. Умуман область саноатида бригадаларнинг фақатгина 26,3 проценти хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда.

Капитал қурилишида коллектив пудрати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оилавий пудрат суст жорий қилинмоқда.

Давлат қабули ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги катта камчиликларни очиб ташлади. Давлат қабули жорий қилинганидан кейин дастлабки ойлардаёқ «Қизил тонг», «Таштекстильмаш», «Узбекхиммаш», «Узбекрезинотехника», Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинати ва кўпгина бошқа корхоналар коллективлари ночор аҳволга тушиб қолдилар. Умуман область бўйича Давлат қабули органлари 284,3 минг сўмлик маҳсулотни брак қилди. Сифат бўйича давлат инспекцияси 289 та тавсия киритди. 3,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация ҳажмидан чиқариб ташланди. Айниқса, «Миконд», «Ташавтоматика», кўн-мўйна заводларида, Тошкент мебель, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаларида ноқулай аҳвол таркиб топди.

112 саноат корхонаси, 50 қурилиш ташкилоти, 7,5 мингдан ортиқ давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқанинг айрим коллективлари шу йилнинг январидан ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлай бошлади. Область касаба союзлари Совети президиуми хўжалик юритиш бу усулининг мураккаблиги ва вазифаларнинг янгилигини ҳисобга олиб, касаба союз активининг ўқувини ташкил этди.

Область касаба союзлари Совети бўлимларида хўжалик юритиш ва ўзини ўзи бошқаришнинг янги шароитларига ўтган ёки ўтишга тайёргарлик кўраётган корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан консультация пунктлари ташкил этилди ва улар фаолият кўрсатмоқда.

Меҳнаткашларни кўпроқ қизиқтираётган масалалар Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун ва меҳнат коллективлари кенгашларининг фаолиятига таллуқлидир.

Кўпгина корхоналарда Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун кучга кирмасдан анча илгари меҳнат коллективлари кенгаши (МКК)ни сайлашга киришдилар. Шунинг учун ҳам дастлабки вақтларда бу МККларнинг структураси ва сон составини белгилашда турли хилликка олиб келди. Айрим корхоналарда МКК составига 100 ва ундан ортиқ нафар киши сайланди. Бу уларнинг ишчанлиги ва муҳим масалаларни ҳал қилишдаги оперативлигига салбий таъсир кўрсатди. МКК раислигига корхоналарнинг кўпгина биринчи раҳбарлари сайландилар. Кўпчилик ташкилотларда бу аҳвол тузатилди.

ВЦСПСнинг II пленуми материалларида қайд қилинганидек касаба союз комитетларининг МККлар билан ўзаро ҳамкорлиги корхоналарнинг энг асосий вазифаларини ва ишчилар ҳамда хизматчиларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган масалаларни ҳал қилишда куч-гайратни бирлаштиришдан иборатдир.

Шунга қарамай область касаба союзлари Советига меҳнатни нормалаштириш, унга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш масалаларидаги катта камчиликлар тўғрисида кўпгина хатлар келмоқда. Шошма-шошарлик, тушунтириш ишларини олиб борилмаганлиги, маъмуриятчиликнинг кўп сонли фактлари, ишчиларни қайта тарификация қилишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, уларнинг разрядларини асоссиз равишда пасайтириш — булар жойларда олиб борилаётган ишнинг самарасини пасайтиришга олиб келаётган тартибни бузиш ҳоллари ҳаммаси эмас.

Айрим касаба союз комитетлари шундай зиддиятли ҳолларда ўзларини четга олдилар. Ҳатто «Узстройремонт» трестининг ишга туширишгa-созлаш бошқармаси касаба союз комитети моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шундай низомни тасдиқладики, унга мувофиқ мутахассислар ва раҳбарларга 70—100 сўм, ишчиларга фақатгина 30—40 сўм миқдорида ёрдам кўрсатилади. Фақатгина область касаба союзлари Совети аралашгандан кейин социал адолат тикланди.

Хўжалик юритишнинг янги шароитлари коллективларда мусобақани ташкил этишни тубдан ўзгартириш ва қайта қуришни талаб этади. Президиум СССР Давлат меҳнат комитети ва ВЦСПСнинг 1987 йил 23 декабрдаги мусобақани уюштиришни ва мукофотлаш системасини тубдан ўзгартириш бўйича тушунтиришига мувофиқ тавсиялар тайёрлади. Тавсияларнинг маъноси шундаки, эндиликда мусобақанинг барча иштирокчилари учун ўрин белгиланади. Мукофот миқдори эгалланган ўринга қараб табақалаштирилган бўлади.

Областда 4911 та социалистик хўжалик юритиш мактаби тузилди. Уларда 180 минг нафардан ортиқ киши ўқимоқда. Бундан ташқари 60 минг нафардан ортиқ киши тингловчи бўлган 1428 та ишлаб чиқариш-иқтисодий семинарлар ташкил этилди. Область касаба союзлари комитетларига иқтисодий ўқувнинг тавсиялари ва тематик планлари юборилди.

Лекин меҳнат коллективларида иқтисодий ўқув ҳозирча суст бормоқда, лозим самарани бермаяпти. Масалан, 1-автомобиль ремонти, «Таштекстильмаш» заводларида, область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармасида ва кўпгина бошқа коллективларда машғулотлар қайта қуриш вазифалари билан, ишлаб чиқаришдаги аниқ ишлар билан суст боғланган ҳолда ўтказилмоқда.

Область касаба союзлари Совети президиуми М. Т. Иноғомовни иқтисодий таълим сектори мудири қилиб тасдиқлади. У анча актив ишлаши керак.

1987 йилда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш оқибатида 116 минг киши кунидан ортиқ вақт йўқотилди. Агар металлургия саноати, автомобиль транспорти, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ва ташкилотларида, давлат, маориф, олий мактаблар ва илмий муассасаларда ўлим билан тугайдиган бахтсиз ҳодисалар сони, 9 та область касаба союз комитетлари ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг умумий даражаси ошган бўлса, бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яратиш ишида қандай қайта қуриш бўлганлиги ҳақида гапириш мумкин.

Агросаноат комплексининг (Н. И. Гусаков, К. Ш. Шодиматов) кўпгина корхоналари ва ташкилотларида, машинасозлик ва металлургия саноатида (Л. А. Завьялов, Н. П. Баргуз, В. Н. Сигедин) меҳнат муҳофазаси соҳасида туб бурилиш бўлгани йўқ, транспорт ва қурилишда, шу жумладан «Главташкенстрой»да (К. Д. Дудин, Ш. У. Ёқубов) ҳам ташвишли аҳвол сақланмоқда.

Меҳнаткашларни махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа индивидуал муҳофаза воситалари билан таъминлашни яхшилаш учун кўп иш қилиш керак. Чунки ҳозирги вақтгача кўпгина корхоналарда махсус кийимни химиявий тозалаш ва ювиш йўлга қўйилмаган, уларни сақлаш учун шароитлар яратилмаган.

Облсовпроф секретари Д. Д. Усачев, облсовпроф меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири К. К. Дадабоев, область касаба союзлари комитетлари меҳнатнинг техник инспекторларига раҳбарлик қилишни яхшилашлари, уларга нисбатан талабчанликни, профилактика ишинигг самараси учун масъулиятни оширишлари керак.

Гражданлардан уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилаётлиги тўғрисида тушаётган шикоятлар ва аризалар оқими кўпаймоқда. Бундай аризалар ҳар учтасидан иккитаси тегишли текширишлардан сўнг асосли деб тан олинмоқда ва қаноатлантириляпти. Шуни айтиш керакки, йўл қўйилган бундай кўпгина хатоликларда фақатгина маъмуриятгина эмас, айни вақтда касаба союз комитети ҳам айбдордир.

Автомобиль транспорти, савдо, халқ хўжалигининг қатор бошқа тармоқлари корхоналарида ишчилар ва хизматчиларга меҳнат отпускаларини ўз вақтида бермаслик, уларни ишдан ташқари вақтда ва дам олиш кунлари меҳнатга жалб этиш фактлари ҳали ҳам кўплаб содир бўлмоқда.

Бунда облсовпроф ҳуқуқий ишлар бўлими (В. П. Курников)нинг ҳам бевосита айби бор. Бу бўлим область тармоқ касаба союз комитетларига суст амалий ва методик ёрдам кўрсатмоқда. Юридик консультациянинг (М. И. Пўлатова) корхоналарнинг жамоат юридик консультациялари, ўртоқлик судларига раҳбарлик бўйича ишида расмиятчилик ҳали ҳам кўп. Уларнинг кўпчилиги самарасиз ишламоқда. Бу меҳнаткашларни ёрдам сўраб юқори органларга мурожаат этишга мажбур қилмоқда.

Меҳнаткашлар хатлари ва аризалари билан ишлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда ишнинг бу участкасига эътибор кучайтан бўлса ҳам бироқ облсовпрофнинг айрим бўлимлари ва область касаба союз комитетлари хатларни кўриб чиқишнинг контроль муддатларини бузмоқдалар. Ишлар бошқармаси (Г. Ю. Понамарев) бу ишда лозим даражада роль ўйнамаяпти. Айни вақтда бўлим иш юритишни, меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни ёмон назорат қилаётгани ҳолда облсовпроф аъзоларига суянмаяпти.

Ўтган йилги иш таҳлили шундан далолат берадики, кўпгина область комитетлари ва касаба союз комитетлари жойларда бюджетнинг барча кўрсаткичлари сўзсиз бажарилиши юзасидан таъсирли чоралар кўрмаганлар. Автомобиль транспорти ва тош йўллар (С. А. Даниэльянц), қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати (Ш. У. Ёқубов), тўқимачилик ва енгил саноат (К. Г. Крафт) ишчилари, маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар (В. А. Ўрмонов), агросаноат комплекси ходимлари (К. М. Шодиматов) касаба союзи область комитетларида бюджетнинг бажарилиши ниҳоятда қониқарсиз бўлиб қолмоқда.

Нефть ва газ саноати, давлат савдоси корхоналари санаторий — профилакторийлар, медицина муассасалари қурилиш билан узоқ вақтдан бери яқиндан шуғулланишмаяпти. Тармоқ касаба союзлари область комитетларининг раҳбарлари Иброҳимова, Нигматжонова, Шарипов, Мамедов ўртоқлар бу ишда ташаббус кўрсатмаяптилар. Бунда облсовпроф президиуми аъзоси, секретари Д. М. Ғуломованинг ҳам анчагина айби бор. У ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимлар билан ишлашда ҳали ҳам қатъийлик кўрсатмаяпти, лозим даражада талабчанлик қилмаяпти.

Областда ҳозирги вақтгача аҳолини медицина хизмати билан таъминлашда, фан ютуқларини амалиётга кенг жорий қилишда тубдан ва сифат ўзгариши бошланғани йўқ.

Оҳангарон, Калинин, Оржоникидзе, Паркент, Чиноз, Янгийўл районларидаги даволаш муассасаларида ниҳоятда ноқулай шароит вужудга келган. Шуни айтиш керакки, облсовпроф президиуми аъзоси, секретари Ўрток Шодиматов қишлоқ соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал қилишда етарли қатъийлик кўрсатмаяпти.

Областда уй-жой муаммоси ҳамон кескин бўлиб турипти. Фақатгина уй-жой қурилиши олиб бораётган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда уй олиш учун ҳисобда 70 минг оила турипти. Умуман областда шинам квартира олиш учун навбатда турганлар 146 минг оиладан ҳам ошиб кетди.

Министрликлар ва идоралар ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларга таъминот хизмат кўрсатиш комплекслари қурилиши бардод этилди.

Облсовпроф президиуми 1987 йилнинг охирида умумий овқатланишни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқди. Кўпчилик хўжалик раҳбарлари, область касаба союз комитетларининг раислари қаттиқ танқид қилиндилар, нон заводлари ва булка-кондитер комбинатининг раҳбарлари қаттиқ жазоландилар, Бироқ, умумий овқатланиш масалаларида барча камчиликлар бартараф этилди, деб ҳозир ҳам айтиб бўлмайди.

Кўпгина меҳнат коллективлари ва ўқув юртларида маданий-тарбиявий иш, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳволи, ҳаваскор ижодкорликнинг ривожланиши кунимиз талабларига ҳали ҳам жавоб бермайди. Облсовпрофнинг маданий-тарбиявий иш бўлими ва ҳаваскор ижодкорликнинг союзлараро уйи, область касаба союз комитетлари ҳали ҳам КПСС Марказий Комитетининг клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисидаги қарорини бажариш учун ҳамма ишларни қилмаяптилар.

Облсовпрофнинг маданий-тарбиявий иш бўлими фаолиятида қайта қуриш сезилмаяпти. Бўлим мудири Ф. И. Рўзибеков етилган муаммоларни ҳал қилишда ниҳоятда сустқашлик қилмоқда.

Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг область совети фаолияти кун талабларига жавоб бермаяпти. Унга облсовпроф аъзолигига кандидат Г. Г. Логачев раҳбарлик қилмоқда. Ваҳоланки бу ташкилотда бошқа ишлардан бўшатиб қўйилган 49 нафар ходим бор. Улар социал иллат — ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашга ҳақиқий бошчилик қилишлари лозим.

Ўтган йили касаба союзларининг кўнгилли спорт жамияти советлари структурасида қайта қуриш бўлиб ўтди. Касаба союзларининг ягона кўнгилли физкультура — спорт жамияти тузилди. Бироқ облсовпроф, унинг маданий-тарбиявий ишлар бўлими (Р. Р. Бектагиров) ДФСО, ДЮСШ советларини структура жиҳатдан қайта қуриш билан овора бўлиб, амалда касаба союз комитетларида бутун физкультура — оммавий ишни эътибордан четда қолдирдилар.

Афсуски, касаба союз комитетларимизнинг кўпчилик қисми мураббийликни ривожлантириш билан шуғулланмайди. Бу ишда кўпгина расмиятчилик содир бўлмоқда. Облсовпроф секретари А. Зуфаров ўз ходимларига нисбатан кўпроқ принципиаллик кўрсатиши, улардан топширилган иш учун қатъийроқ сўраши керак. Бироқ А. З. Зуфаровнинг ўзи ҳам анча ташаббус билан ишлаши лозим. Унинг бу муҳим участкага келиши билан ҳозирча пионер лагерларидан меҳнаткашларнинг дам олиши учун фойдаланишда ўзгаришлар бўлгани йўқ, маданий-оқартув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳал қилинмаяпти, кутубхона иши эътибордан четда қолмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳар йили учта пленум ва ойига иккита мажлис (президиум ва секретариат) ўтказилмоқда. Амалда аппарат уларга тайёрланиш билан доим банд бўлмоқда. Бу аҳвол тубдан қайта қуришни тақозо этади. Эҳтимол келажакда облсовпроф пленумини ҳар ярим йилда бир марта, секретариат мажлисини эса ҳар икки ойда бир марта ўтказиш мумкин бўлади. Бундан демократия фақат ютади. Чунки аппарат ходимлари бошланғич ташкилотлар ва касаба союз органлари билан актив ишлаш учун кўпроқ имкониятга эга бўладилар.

1987-1988 йилларда область, шаҳар, район касаба союз комитетлари ва касаба союз комитетларининг 160 дан ортиқ раҳбар ходими ўзгарди. Уларнинг кўпчилиги хизматда йўл қўйган камчиликлари ва пассивликлари учун алмаштирилди.

Область касаба союзларида раҳбарларни икки ва ундан ортиқ номзоддан сайлашнинг олдиндан муҳокама қилиш практикаси ҳали ҳам суст қўлланилмоқда. Бунда аввало резервдагиларнинг потенциал имкониятларини ҳисобга олиш даркор.

Касаба союз комитетларининг қайта қуриш тўғрисидаги ҳисоботлари шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам эскича ишламоқда. Облсовпроф ва область касаба союз комитетлари бу масалани чуқур ўйлаб кўришлари, касаба союз комитетларига янада самаралироқ ёрдам кўрсатиш ҳақида қайғуришлари лозим.

Облсовпроф раиси А. В. Браилов, ташкилий ишлар бўлими КПСС XXVII съезди ва мамлакат касаба союзларининг XVIII съезди талаблари асосида область касаба союзларининг ташкилотчилик иши услуб ва усулларини тубдан яхшилаш учун жуда кам иш қилдилар.

Қайта қуриш ва эски иш усуллари ҳамда ноқайдликни тезроқ бартараф этишга бўлган интилиш қабул қилинаётган ҳужжатлар сонини камайтиришни тақозо этмоқда, Бироқ облсовпроф президиуми бу ишда деярли ютуққа эришмади.

Касаба союз ишининг ошкоралигига катта аҳамият берилмоқда. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталарида меҳнат коллективлари кенгашларининг иш тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилувчи саҳифалар бериб бориш фойдадан ҳали бўлмасди.

Ишда демократизм, коллегиялик ва ошкораликни ҳар томонлама чуқурлаштириш, кенг меҳнаткашлар оммасини касаба союзлари ишида иштирок этишга, айниқса, ишлаб чиқариш, социал соҳаларга оид масалаларни, ишчилар ва хизматчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимояси масалаларини ҳал қилишга жалб этиш лозим.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА:

Область касаба союзлари Совети ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган таклифлар ва мулоҳазаларни қуйидаги адрес бўйича юборишингизни илтимос қиламиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24, Область касаба союзлари Совети.

СПОРТ

ФИНАЛДА МАҒЛУБИЯТ

● ҒАРБИЙ БЕРЛИНДА Аргентина, ҒФР, СССР ва Швеция футболчилари ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Маълумки, совет футболчилари жаҳон чемпиони Аргентина командаси билан бўлган ўйинда 4:2 ҳисобида ғалабага эришган эдилар. Швеция — ҒФР учрашувининг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилиб, ўн бир метрлик тўплар тепишда Швеция командаси устун келган эди.

2 апрель куни ғолиблик учун СССР—Швеция командалари учрашди. 52-минутда Х. Эскилсон ҳисобни очди. Ўйин тугашига икки минут қолганда Х. Холквис иккинчи тўпни киритди. 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган Совет футболчилари бу турнирда иккинчи ўринни эгаллашди.

Бир кун аввал Аргентина командасини 1:0 ҳисобида мағлуб этган ҒФР футболчилари учинчи бўлишди.

БИРИНЧИ ЛИГАДА ҚОЛИШДИ

● БАСКЕТБОЛ бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари мавсум ўйинларини тугатишди. Тошкентнинг Армия спорт клуби вакиллари ўз майдонида Таганрогнинг «Красный котельщик», Иркутскнинг «Строитель» ва Саратовнинг «Автодорожник» командалари билан беллашиб, учала ўйинда ҳам ғолиб келишди ва якунловчи турнир жадвалида умумий тўқкизинчи ўринни эгаллашди.

БИРИНЧИ МАРТА КУЧЛИЛАР САФИДА

● ТОШКЕНТНИНГ «Звезда» регбичилари мамлакат чемпионатининг олий лигасида дастлабки учрашувни Ленинграднинг «Приморец» командаси билан ўтказиб, 19:0 ҳисобида устун келишди. Иккинчи учрашувни эса Красноярскнинг «Экскаватор» коллективига 12:29 ҳисобида бой беришди.

ҚЎЛЛАНМАЛАР—ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотини амалга ошириш бўйича тузилган комплекс планда барча фанлар бўйича ўқув-методик адабиётлар, дидактик материаллар ва кўрсатмали қўлланмаларни кўплаб яратиш ҳам кўзда тутилган. Шуниси характерлики, бу хил нашрлар ва материалларни тайёрлашга мактабларнинг тажрибали илғор ўқитувчилари, тарбиячилари ҳам кенг жалб этилади.

Шу талабларга биноан Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан тайёрланган оригинал ўқув-кўрсатмали қўлланмалар кўрик-конкурсини ўтказишни лозим деб топди. Ана шу муҳим тадбир босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, биринчи босқич (тур) мактаб доирасида ўтказилди.

Район (шаҳар) миқёсида ташкил этиладиган иккинчи босқич ҳам талабчанлик руҳида ўтказилди. Область миқёсидаги босқичдан сўнг республика доирасида бу хил адабиётлар кўриб чиқилиб, кенг муҳокама қилинади.

Бу тадбирнинг янада самарали бўлишини таъминлаш мақсадида республика босқичи махсус кўргазмаси ташкил этилади. Мазкур кўргазма билан Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида яқиндан танишиш мумкин. Шунингдек, бу экспозиция хусусида ўқитувчилар, тарбиячилар ва халқ маорифининг бошқа ходимлари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, тақдим этилган қўлланмаларни янада яхшилашга ёрдам берадилар.

С. ОДИЛОВА.



«ОЙМОМА-БОҒ» ҚУВОНЧИ

● ШУ КУНЛАРДА пойтахтимиздаги Навоий кўчасида жойлашган савдо расталари майдони одатдагидан гавжум бўлмоқда. Бу ерда Чехословакиянинг Пардубица шаҳри «Оймома — боғ» аттракционлар комплексининг гастроллари давом этмоқда.

— Тошкентга аттракционларимизнинг 13 турини олиб келганмиз, — дейди «Оймома — боғ» директори Шидак Зденик. — Бу ерга келаётган кичкинтойлар қувончини кўриб беҳад хурсанд бўлмоқдамиз.

Суратларда: (юқорида) айланма карусель ва эртаклар шаҳрига элтувчи паровоз йўлга чиқмоқда.

С. МИХАЙЛОВ фотоси. ЎзТАГ.

Санъат маршрутлари—дўстлик маршрутлари

ОРКЕСТР САФАРИ

ЯҚИНДА Тўхтасин Жалилов номли Ўзбекистон ССР Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри иш бошлаганига 50 йил тўлади. Ана шу юбилей арафасида ижодий коллектив РСФСРнинг Владимир, Иваново, Кострома, Ярославль, Вологда, Архангельск сингари шаҳарларида гастролда бўлиб қайтди.

Оркестрнинг бош дирижёри ва бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Ф. Содиқов етакчилигида санъаткорлар чет эл, қардош халқлар ва ўзбек совет композиторларининг куй ва қўшиқларини тингловчиларга тақдим этишди. Сафар давомида коллектив концерт залларида, санаторийлар, ҳарбий қисм ва ўқув юртларида меҳмон бўлди.

Концерт программасидаги, айниқса, ўзбек бастакори М. Бафоевнинг «Шодиёна» асарини тингловчилар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Шуниси диққатга сазоворки, халқаро конкурслар лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театри солисти И. Жалилов республикамиз бастакорлари билан бир қаторда К. Верди, Л. Фальо, К. Куртис сингари жаҳон композиторларининг асарларини ҳам маҳорат билан ижро этди. Ўзбекистон ССР Давлат филармония-концерт бирлашмасининг солисти О. Куценко ижросида эса композитор Х. Изомовнинг «Тошкент осмони» асари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, оркестр солистларидан Ш. Аҳмаджонов (най), Т. Собиров (чанг), С. Содиқов О. Саматов, ғижжакчи Ш. Йўлдошев ва Ш. Зиёев етакчилигидаги рубоб-примачилар ансамблининг чиқишларини ҳам мамнуният билан қабул қилишди.

Шуни таъкидлаш керакки, оркестр ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида Совет Иттифоқининг барча бурчакларида гастроллар ўтказди. Ўйлаймизки, ўзбек созанда ва хонандалари ўз санъатларини ҳорижий мамлакатларда ҳам кўрсатишга қодир. Бу ҳақда мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ўйлаб кўришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

ЭРТАГА—НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

● «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни эртага—6 апрель чоршанба куни соат 17 дан бошлаб ўтказади. Бу сафарги қабулни область Совети ижроия комитети юридик бўлимининг мудири Б. Усмонов ўтказади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй. 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
Ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси
СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
17, 18 апрель соат 19.30 да
СССР халқ артистлари
ЖУРАБЕК МУРОДОВ
ва
МАЛИКА ҚАЛАНДАРОВА

КОНЦЕРТИ

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

ЎТАДИГАН
«А» класс 2-лигаси 3-зона командалари ўртасидаги

ХОККЕЙ ЎЙИНЛАРИГА МАРҲАМАТ

6—7 АПРЕЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ПРОГРЕСС» (Глазов).
23—24 АПРЕЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ШВСМ» (Минск).
27—28 АПРЕЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «КРЕНГОЛЬМ» (Нарва).

Хоккей командалари учрашуви шанба ва якшанба кунлари — соат 17.00 да, иш кунлари — соат 18.30 да бошланади.

Справкалар учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 — администратор; 46-03-12, 46-70-31 — касса.

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ЛОҚОН» ЭЛЕКТР ТАРОҒИНИ

ЭЛЕКТР ТАРМОҒИГА УЛАНГАНДАН СЎНГ 6 МИНУТ ЎТГАЧ УНДАН ФОЙДАЛАНАВЕРИШИНГИЗ МУМКИН!

Ҳажми унча катта бўлмаган, оғирлиги бор йўғи 200 грамм келадиган, компактли, жуда чиройли жиҳозланган бу асбобдан йўлда юрганда, командировкага борганда дам олиш вақтида фойдаланиш мумкин.

«ЛОҚОН» ЭЛЕКТР ТАРОҒИ СИЗНИНГ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАШ БИЛАН БИРГА СОЧИНГИЗНИ ТЕЗ ВА ЧИРОЙЛИ ТАРАБ ОРО БЕРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

ЭЛЕКТР ТАРОҚНИ ДАВЛАТ САВДОСИ ВА МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

Баҳоси — 8 сўм.



ЦРКО «РАДИОТЕХНИКА».
«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

«Узэлектромонтаж» ихтисослашган трести базасидаги
7-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

6 ой муддатли ўқишга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-синф маълумотига эга бўлган қизлар иккиламчи занжирлар электр монтажчиси ихтисоси бўйича ўқишга қабул қилинадилар.

Билим юртида иккиламчи занжирлар монтажи, кучланишли электр асбоб-ускуналарини бошқариш системалари, электр подстанциялари, автомат системалари бўйича юқори классли мутахассислар тайёрлайди.

Улар саноат корхоналари, метрополитенлар, подстанциялар, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш соҳаларида меҳнат қиладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юртига ўқишга қабул қилинганларга ойига 76 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида уларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3x4 см, ҳажмида), характеристика, яшаб турган жойидан справка

АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (7, 11, 9, 4, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 3, 33, 24, 40, 45, 50, 51, 54, 57, 58, 80, 99, 172-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-31-21.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗЛАШГАН УСУЛДА ЮК ТАШИШ АВТОМОБИЛЬ ТРЕСТИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

1988 йил 10 апрелга қадар
2502, 2505, 2512, 2515, 2521-автоколонналар, 3-автокомбинат, 1, 39, 127, 143-автомобиль корхоналари автомобиль транспортида юк ташиш юзасидан
1989 йилга шартномалар тузиш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«УЗГИПРОСЕЛЬХОЗВОДОСНАБЖЕНИЕ» ИНСТИТУТИ
боғ-узумчилик ўртоқлик ширкатлари учун сув таъминот лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан
БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фёдоров кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 33-81-24, 35-82-22.

Ўзбекистон информация агентлиги (ЎзТАГ) коллективи таржима бўлимининг кекса ходими **Фотима Абдурахмоновна ИБАДУЛИНА**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Совет қурилиши бўлимида

АКС САДО

ЕНГИЛТАКЛИК БАХТСИЗЛИКНИНГ БОШИ

«БАЛОҒАТГА ЕТМАЙ ТУРИБ» МАҚОЛАСИ ЮЗАСИДАН КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

«МЕН «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1988 йил 30 январь шанба сонида босилган «Балоғатга етмай туриб» мақоласини ўқиб ғоят таъсирландим. Дилоромга нисбатан нафратим кучайди. Минг афсуски, ҳақиқатан ҳам шаҳримизда кейинги пайтларда ўзларига ортиқча оро бериб, кўча-куйда бемақсад санғиб юрадиган ёш қизлар кўпайди. Улар аввалига енгилтаклик қилиб, вақтинчалик ҳузур-ҳаловатни ўйлайдилар-да, кейин орномуслари ва қизлик иффатларини қандай қилиб йўқотганларини, ўзларини ўзлари бахтсиз қилиб қўйганликларини билмай қоладилар».

Бу сатрлар Тошкент шаҳридаги 117-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муҳайё Ҳасанованинг редакцияга йўллаган хатидан келтирилди. Дарвоқе «Балоғатга етмай туриб» мақоласи нима ҳақда эди? Дилором ким? Буни фақат мақолани ўқиганлар билиши мумкин. Шунинг учун ўша мақола мазмунини яна бир бор эслатишга тўғри келади.

Чилонзор район прокурорининг катта ёрдамчиси Қ. Исҳоқовнинг ўша суҳбатида айрим ёшларнинг ҳали балоғатга етмай туриб, беномуслик кўчасига кираётганликлари, ишламай-нетмай енгил ҳаёт кечириш йўлига ўтаётганлари ва табиийки, пировард натижада жиноятга қўл ураётганлари ҳақида ҳикоя қилинган эди. Дилором ҳам тўғри йўлдан жуда эрта тойилиб, ўзи тенги 16—17 ёшли жиноятчи қизлар группасига қўшилганлардан.

Бу қизларнинг бир кунмас, бир кун кўзлари очилар, деб фикр юритади Муҳайё, аммо унда кеч бўлади, жамоатчилик улар устидан қатъий ҳукм чиқариб қўйган бўлади. Тўғри, улар енгил ҳаёт йўлидан қайтиб, кўп қатори ҳалол яшай бошлашлари мумкин. Бироқ ёшликда йўқотган ўринларини энди топа олмайдилар. Турмушларининг бир чети кемтиклигича қолади.

Қизиқ, ҳозирги тўкин-сочин замонда бу қизларга нима етишмаяпти ўзи, деб ёзишади Бўка районидаги Навоий номли 31-мактабнинг 8 синфнинг бир гуруҳ қизлари. Бу — тўқликка шўхликдан бошқа нарса эмас. Улар ўқишдан бошқа вақт бўш бўладилар. Биз, қишлоқ ёшлари каби ўқишдан ташқари дала ишлари, уй-рўзғор, мол-хол юмушлари билан банд бўлмайдилар. Демак, асосий айб отаоналарда. Улар фарзандларининг тарбиясига бефарқ қарайдилар, оқибатини ўйламайдилар. Ё уй-рўзғор ташвишларига ортиқча бериладилар ёки ортиқча эркалатиб юборадилар. Дилоромни ёмон йўлдан қайтариш ўрнига, онасининг гўё номус қилиб, бошқа шаҳарга кўчиб кетганлигини мутлақо оқлаб бўлмайди, дейишади хат авторлари. Хўш, она илгарироқ қаерда эди, қизининг саёқ юриши, уйга келмай қолиши нега уни ўша пайтлардаёқ ташвишлантирмади? Бу жуда ўринли савол, албатта, унга қўшилмоқ керак.

«Ҳурматли редакция, — деб ёзади пировардида М. Ҳасанова, — агар шу хатимни газетангизда босиб чиқарсангиз, минглаб, юз минглаб тенгдош дугоналаримда Дилоромга ўхшаганларга нисбатан чексиз нафрат уйғотиб, балки баъзиларни хато йўлга кириб кетишдан асрашга сабабчи бўлармиди».

Жуда тўғри фикр. Матбуот саҳифаларида кўтариб чиқилаётган турли мавзуларга оид муаммоларга қанчалик кўп газетхон ўз фикр-мулоҳазасини билдирса, шу чавзуга оид конкрет ҳаётий мисоллар келтирса, таклифлар киритса, бу муаммоларни ҳал этиш шунчалик тезлашган бўларди.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ҳозир бутун мамлакатда социалистик ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаётни қайта қуриш жараёни давом этмоқда. Табиийки, жойларда чинакамига янгилаш ва покланиш билан бирга, эскичасига, яъни жон койитмай ишлаб, яхши яшашга уринишлар, талон-торожлик, ўғрилик, порахўрлик каби иллатлар ҳам давом этмоқда. Областнинг кўпминг сонли газетхонлари ўзларининг кўз ўнгларида юз бераётган ана шундай холатлар ҳақида, айниқса ярамас иллатларни фош этувчи мактубларни тез-тез ёзиб турсалар қайта қуришни жадаллаштиришга ҳисса қўшган бўладилар.

АКС САДО

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Панама канали зонасига яна қўшинларнинг катта контингентини юбормоқда. Эй-Би-Си телекомпанияси бу ҳақда Пентагондаги манбалардан хабар топди. Контингент умумий сони вертолёт ротаси экипажларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, тахминан 1300 кишини ташкил этади. Президент Рейган мазкур қарорни илгари шу ҳафтада бўлиб ўтган миллий ҳавфсизлик кенгаши мажлисидан кейин 1 апрель куни эрталаб қабул қилди. Телекомпания Вашингтоннинг бу хатти-ҳаракатлари Панама миллий мудофаа кучлари бош қўмондони генерал Мануэл Норьегага қўшимча тазйиқ ўтказишга қаратилган лигини таъкидлади.

● ТОКИО. Шу йилнинг февралида Японияда ишсизлар сони 1.73 миллион кишини ташкил этди. Жума куни эълон қилинган расмий ҳукумат докладида ана шу маълумот келтирилган. Ҳозирги вақтда мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг тахминан, 2,7 проценти иш билан таъминланмаган.

● ЛОНДОН. Англиядаги Дувр порти билан Европа қитъаси ўртасидаги паром алоқаси тўхтаб қолди. Кеча пасха байрами бошланиши муносабати билан минглаб инглизлар дам олиш учун қитъага йўл олишгач, паром алоқасида қийин вазият вужудга келди. Ла-Маншдан ўтиш учун навбат кутиб туристлар тушган юзлаб автомашиналар ва автобуслар причаллар олдида тўпланиб қолди. Уларнинг кўпи Ла-Маншдан ўта олмади ва улар Дуврда тунашга мажбур бўлдилар.

Ҳозир паром йўлида Дувردан Франция ва Бельгияга қатнаб турган кемаларнинг учдан биригина юрмоқда. Жума куни кечқурун кемачилик компанияси раҳбарлари билан денгизчилар касаба союзи вакиллари ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги давраси натижасиз тугади. Денгизчилар касаба союзи иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқда. Меҳнат можароси саккиз ҳафтадан буён давом этмоқда.

● ГАВАНА. Социалистик Куба совет мутахассислари ёрдамида ядро тадқиқотлари марказини қуришга киришди. Сьенфуэгос вилоятида қурилаётган Кубадаги биринчи «Хурагуа» атом электростанцияси билан бир қаторда бу марказ ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш миллий программаси доирасидаги асосий объектлардан бири бўлиб қолади. Кеча қурилишни бошлаш маросими бўлди. Ядро тадқиқотлари марказларининг «Нуль» қувватли деб аталган реакторини, яъни унинг биринчи навбатини 1991 йилда олимларга топшириш планлаштирилмоқда. Сўнгра қурувчилар 10 мегаватт қувватли тадқиқот реакторини барпо этишга киришадилар. Марказда хусусан ядро физикасини ўрганиш юзасидан фундаментал ишлар ва илмий тадқиқотлар ўтказилади, медицина ва қишлоқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб, эксперименталлар амалга оширилади.

● ДАМАШҚ. Кеча Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида икки ёш фаластинлик ҳалок бўлди. Исроил солдатлари Хеброн яқинидаги Идна мачитига бостириб кириб, диний маросим қатнашчиларини ўққа тутдилар. 18 яшар Исҳоқ Нимер Салимий кўкрагига теккан ўқдан ҳалок бўлди, 20 яшар Жамил Халил Тамизий бошига эса кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган граната тегди. Бундан ташқари яна 13 киши яралар бўлди. Босиб олинган территорияларда ҳамма жойда жума куни сионистларга қарши янги намойишлар бўлиб ўтди. Бир қанча ҳолларда Исроил солдатлари намойишчиларга ўт очдилар.

(ТАСС, 2 апрель).

РЕЙГАН КОНТРАСЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ ИМЗОЛАДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Жума куни президент Р. Рейган Никарагуа контраларига 17,7 миллион доллар ҳажмида «инсонпарварлик ёрдами» бериш тўғрисида АҚШ конгресси қабул қилган қонун лойиҳасини имзолади. Бу ҳужжатни сенат пайшанба куни 88 овозга 7 қарши овоз билан, палата вакиллари эса чоршанба куни 345 овозга 70 қарши овоз билан тасдиқлади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарвалик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 08639. А. 1575.